

**БИЗНЕСНИ БИРЛАШТИРИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ:  
норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-услубий жиҳатлар**  
*Раджапбай Дусмуратов*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси  
профессори, и.ф.д.*

**FINANCIAL STATEMENTS FOR BUSINESS COMBINATION:  
legal and organizational and methodological aspects**  
*Radjabbay Dusmuratov*

*Tashkent State University of Economics, Doctor of Economic Sciences, Professor*

**JEL Classification:** M1, M4, M41

**Аннотация:** Мақолада тегишли манбаларни илмий шарҳлаш ҳамда амалиётни ўрганиш натижаларига таяниб, бизнесни қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-услубий жиҳатлари очиб берилган, топириши далолатномаси, топириши баланси, дастлабки ва якуний бирлаштириши балансларини тузиш тартиби таклиф қилинган.

**Abstract.** Based on the results of the scientific interpretation of the relevant sources and the results of the study of practice, the article reveals the regulatory, legal and organizational and methodological aspects of the reorganization of an enterprise in the form of a merger. The procedure for compiling a transfer act, a transfer balance, initial and final consolidated balance sheets is proposed.

**Калит сўзлар.** бизнес, юридик шахс, таъсисчилар, бухгалтерия баланси, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, топириши далолатномаси, бирлаштириши баланси, соф активлар, якуний баланс.

**Keywords:** business, legal entity, founders, balance sheet, reorganization,

*mergers, deed of transfer, unification balance sheet, net assets, closing balance sheet.*

**Кириш.** Ривожланган хориж мамлакатларида, масалан, АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея ва Хитой давлатларида юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш ўзига ҳос мураккаб томонлари ва стратегик аҳамиятни ўз ичига олади. Хусусан, Mergers and consolidations (бирлашиш ва бирлаштириш). Бунда иккита мустақил юридик шахс бирлаштирилади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда дебитор ва кредиторлар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари лозим бўлади. Recapitalization (қайта ташкил этиш) асосан молиявий инқирозга дуч келган компаниялар ва ҳукумат томонидан амалга оширилади [8].

Давлатнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштироки 55 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 22 фоиз, Германияда 18 фоиз, АҚШда 11 фоиз, Японияда 5 фоиз.

Шу муносабат билан «2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох

**қилиш Стратегияси»** ишлаб чиқилган [9]. Унда таъкидланишича, «Бугунги кунда республикамызда 2 692 та давлат иштирокидаги тижорат ташкилотлари, шундан 1 133 та давлат унитар корхонаси, 1 124 та масъулияти чекланган жамияти ва 241 та акциядорлик жамияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатади.

Республикадаги мавжуд 599 та акциядорлик жамиятларидан 42 фоизида давлат улуши бўлиб, жами акцияларнинг 84 фоизи давлатга тегишли, аҳолининг атиги 2 фоизидан ортиғи акцияларга эгаллик қилади» [4]. Мазкур Стратегияда белгиланишича, давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш (фоиз), шунингдек истиқболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли давлат иштирокидаги корхоналарни тугатиш (дона) мос равишда 2021 йилда – 30 %, 245 та; 2023 йилда - 65 %, 477 та; 2025 йилда - 75 %.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг либераллаштирилиши ва рақобатнинг кучайиши бизнес субъектларини қайта ташкил этиш(кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ҳамда тугатиш ҳолатларининг кўпайишига олиб келмоқда. Бундай шароитларда корхона рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим чораларидан бири бизнесни бирлаштириш ҳисобланади.

**Материал ва методлар.** Мазкур мавзу бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун илмий тадқиқот методологиясининг тегишли умумилмий методлари ва бевосита тадқиқот предмети (қўйилган муаммо) доирасида иқтисодий тадқиқотлар методлари шакллантирилди. Жумладан, илмий тадқиқот методологиясининг умумилмий

методларидан: назарий методлар - диалектика (метод сифатида), амалиётдан синалган назариялар, далиллар келтириш, билимлар тизимини таҳлил қилиш методи, дедуктив (аксиомостик) метод, индуктив-дедуктив метод, зиддиятларни аниқлаш ва ечимини топиш, гипотезалар тизими каби назарий ҳаракат методлари; анализ ва синтез, таққослаш, абстракциялаш, конкретлаштириш, умумлаштириш, шаклга келтириш, индукция, дедукция, идеаллаштириш, фикран эксперимент, тасаввур қилиш каби назарий операцион методлардан фойдаланилди.

Умумилмий эмпирик методлардан: тадқиқот объекти устида кузатув олиб бориш (текшириш, мониторинг, ўрганиш ва умумлаштириш); объектни маълум бир вақт оралиғида тадқиқ қилиш методлари (ретроспектив, прогнозлаш) каби эмпирик ҳаракат методлари; адабиётларни шарҳлаш, ҳужжатлар ва фаолият натижаларини ўрганиш каби эмпирик операцион методлар қўлланилди.

Шунингдек, бевосита тадқиқот предметиға нисбатан: баланслаштириш, икки ёқлама ёзув, инвентаризация, ҳужжатлаштириш, баҳолаш, оддий анъанавий таҳлил (қиёслаш ва б.); арифметик ҳисоб-китобларни текшириш; алоҳида хўжалик операциясини ўрганиш методларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2013) 50-моддасининг 1-бандига мувофиқ: «**юримдик шахслар қўшиб юборилганида** улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари (*мажбуриятлари – Д.Р.*) топшириш ҳужжати (*далолатномаси – Д.Р.*)га мувофиқ янгидан вужудга келган юримдик шахсга ўтади» [5].

Ўзбекистон Республикасининг  
06.05.2014 йил ЎРҚ-370-сон  
«Акциядорлик жамиятлари ва  
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш тўғрисида»ги қонуни (2014) 93-  
моддасига мувофиқ: «Янги юридик  
шахснинг унга ўз фаолиятини тугатган  
икки ёки бир нечта жамиятнинг барча  
ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш  
йўли билан вужудга келиши акциядорлик  
жамиятларининг ёхуд акциядорлик  
жамияти ва масъулияти чекланган  
жамиятнинг қўшиб юборилиши деб  
эътироф этилади» [2].

Илмий ва ўқув-услубий  
манбаларда ҳам ушбу тушунчалар  
умумий асосга таянган ҳолда турлича  
таърифланган. Жумладан, К.Б. Уразов,  
Ж.А. Абдурасуловлар (2021) қўшиб  
юбориш ва қўшиб олиш атамаларини  
таърифлашга қуйидагича ёндашганлар:

*Қўшиб юбориш – бу ўз фаолиятини  
тугатган икки ёки бир нечта корxonанинг  
барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини  
унга бериш йўли билан янги корxonани  
вужудга келтиришидир.*

*Қўшиб олиш – бу бир ёки бир нечта  
корxonа фаолиятини тўхтатиб, уларнинг  
уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини  
бошқа корxonага беришидир.*

О.А. Забарова (2007) ёзишича:  
*Қўшиб юбориш – қайта ташкил этиш  
шакли бўлиб, бунда ташкилотлардан ҳар  
бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари  
янгидан вужудга келган корxonага  
топшириш далолатномасига мувофиқ  
ўтади.*

*Қўшиб олиш – қайта ташкил этиш  
шакли бўлиб, бу вақтда қўшиб олинаётган  
ташкilotнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари  
топшириш далолатномасига мувофиқ  
бошқа ташкilotга ўтади.*

Демак, бир нечта корxonалар  
қўшиб юборилганида **янги юридик шахс**  
ташкил бўлиб, унга топшириш  
далолатномасига мувофиқ, мазкур  
корxonалар фаолияти тугатилиши билан  
уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари  
ўтади. Ушбу янги юридик шахс барча  
тугатилаётган корxonаларнинг ҳуқуқий  
вориси ҳисобланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Юридик шахсларни қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш**

<b>Шакллари</b>	<b>Белгилари</b>	<b>Қайта ташкил этиш моҳиятининг баёни</b>
Қўшиб юбориш	$A + B = C$	A ва B корxonалар ўз фаолияти тугатилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан ташкил этилган C корxonага ўтади

Шунингдек, Ўзбекистон  
Республикасининг Фуқаролик кодекси  
(2013) 50-модданинг 2-бандига мувофиқ:  
«Юридик шахс бошқа юридик шахсга  
қўшилганида, бу юридик шахсга  
қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва  
бурчлари (*мажбуриятлари – Д.Р.*)  
топшириш ҳужжати(*далолатномаси-  
Д.Р.*)га мувофиқ ўтади» [5]. Демак, қўшиб

олиш шаклидаги қайта ташкил этишда  
бир ёки бир нечта корxonалар бошқа  
корxonага қўшилган ҳолда алоҳида  
юридик шахс сифатида мавжуд бўлишини  
тўхтатадилар. Бунда ҳам ўз фаолиятини  
тугатган юридик шахсларнинг барча  
ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш  
далолатномасига асосан қўшиб олувчи  
корxonа зиммасига ўтказилади (2-

жадвал).

2-жадвал

**Юридик шахсларни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш**

Шакллари	Белгилари	Қайта ташкил этиш моҳиятининг баёни
Қўшиб олиш	$A + B + C = A$	«Б» ва «С» корхоналар ўз фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «А» корхонага ўтади.

А.Забарова (2007) таъкидлашича, топшириш далолатномаси ҳуқуқурнатуровчи ягона ҳужжат бўлиб, унга асосан қўшиб юбориш ва қўшиб олиш шаклларида қайта ташкил этишда қўчмас мол-мулкларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилади. У қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳамма кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан томонлар даъво қўзғатган мажбуриятлар, мол-мулк ҳуқуқлари бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 23-сонли «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» (БХМС)нинг (2005) 23-бандига мувофиқ: «Қайта ташкил этишда активлар ва мажбуриятларнинг топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси бўйича бир корхонадан бошқа корхонага ҳуқуқий ворислик тартибида топширилишига бухгалтерия ҳисоби мақсадларида активлар ва мажбуриятларнинг чиқиб кетиши сифатида қаралмайди»[3].

Мазкур стандартнинг 29-бандига мувофиқ: «Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишда ўз фаолиятини тўхтатаётган барча қайта ташкил этилаётган корхоналар вужудга келган корхона ҳақидаги ёзув Реестрга

киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузадилар. Бунда якуний молиявий ҳисобот тузилгунга қадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётини ёпиш ва соф фойда суммасини таъсисчиларнинг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади»[3].

Соҳа олимлари Сигидов Ю.И., Рыбьянцева М.С., Ясменко Г.Н. ва бошқалар (2011) ёзишларича, даромадлар ва харажатлар ҳисоби счётларини ёпиш талаблари қайта ташкил этилаётган ҳар бир ташкилотнинг ҳуқуқий ворисига топшириладиган соф фойдасини аниқлашни (балансни реформациялашни) билдиради [6].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, топшириш далолатномаси юридик шахсларни қайта ташкил этишда муҳим ҳужжат ҳисобланади ва унинг умуман (ёки талаб даражасида) тузилмаслиги янгидан вужудга келган корхона(лар)ни давлат рўйхатидан ўтказилишининг рад этилишига олиб келади. Шу боис, ушбу ҳужжатнинг моҳияти, ҳуқуқий мақоми ва таркибий тузилмасига мазкур мақоламизда батафсилроқ тўхталамиз. Чунки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий ва ўқув-услугий манбаларда топшириш далолатномаси ва топшириш баланси бир хил ҳужжат сифатида талқин

қилиниб, уларнинг фарқли жиҳатлари очиб берилмаган.

**Натижалар.** Қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир корxonанинг таъсисчи (акционер, иштирокчи)лари мажлис ўтказиб, қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва буни баённома билан расмийлаштиради. Энди юқорида шарҳланган норматив-ҳуқуқий қоидаларни амалга оширишнинг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш мақсадида қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларни тугатиш ва янгидан вужудга келганининг бирлаштириш балансини тузиш алгоритмини ҳамда уни амалга оширишнинг услубий жиҳатларини таклиф қиламиз (*Эслатма:* маълумотлар шартли).

Энди, қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишда бажариладиган ишлар алгоритмини тавсия этамиз:

1. Қўшиб юборилаётган ҳар бир корхона таъсисчи(акциядор)ларининг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида умумий мажлисининг қарорини қабул қилиш;

2. Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналар таъсисчи(акциядор)лари қўшма умумий мажлисининг қарорини қабул қилиб, баённома билан расмийлаштирилади;

3. Топшириш далолатномасини тузишдан олдин амалга ошириладиган қайта ташкил этиш ишларининг рўйхати тузилади ва уларни бажариш тартиби шакллантириш;

4. Топшириш

далолатномасини, унга илова сифатида топшириш балансини тузиш ва уларга тушунтиришлар тайёрлаш;

5. Қўшиб юборилаётган корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши тўғрисида давлат реестрига ёзувлар киритиш санасига аниқлаштирилган топшириш далолатнома ва топшириш балансларини тузиш;

6. Янгидан вужудга келган корхонанинг дастлабки бирлаштириш балансини тузиш;

7. Янгидан вужудга келган корхонанинг соф активларини аниқлаш ва якуний бирлаштириш балансини тузиш.

Юқорида тавсия этилган алгоритм бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг услубий таъминотини тақдим этамиз. Масалан, 20 январь 2022 йилда таъсисчиларнинг умумий мажлисида «Шарқ» ва «Турон» масъулияти чекланган жамиятларини **қўшиб юбориш** шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг устав капитали қуйидагича: «Шарқ» МЧЖ — 180 000,0 минг сўм; «Турон» МЧЖ — 120 000,0 минг сўм бўлган<sup>1</sup>.

Даставвал, қўшиб юборилаётган корхоналар («Шарқ» ва «Турон» масъулияти чекланган жамиятлар) ворис-корхона («Равшан» МЧЖ)ни давлат рўйхатидан ўтказиш санасидан олдинги санага, ўзларининг якуний бухгалтерия балансларини тузадилар. Якуний бухгалтерия балансларини тузишдан олдин даромадларни ва харажатларни ҳисобга олувчи барча счетлар тўлиқ ёпилади.

«Шарқ» МЧЖнинг топшириш

<sup>1</sup> Ҳисоб-китобларни соддалаштириш мақсадида шартли маълумотлар келтирилган



балансига берилган тушунтириш хатида якуний бухгалтерия баланси ва топшириш баланси ўртасидаги фарқлар очиб берилган:

«2022 йилнинг 1-20 январи оралигида «Шарқ» МЧЖ ўзининг молия-хўжалик фаолиятини давом эттириб, қуйидагилар содир бўлган: ишлаб чиқариш захиралари 4000,0 минг сўмга камайган; тугалланмаган ишлаб чиқариш 3000,0

минг сўмга камайган; дебиторлик қарзлари суммаси 16 000,0 минг сўмга қисқарган; пул маблағлари 6000,0 минг сўмга кўпайган; тақсимланмаган фойдаси 1000,0 минг сўмга кўпайган; кредиторлик қарзлари 18 000,0 минг сўмга қисқарган».

Ушбу барча хўжалик операциялари акс эттирилганидан сўнг «Шарқ» МЧЖнинг 20 январ 2022 й. санасига якуний баланси тузилади (3-жадвал).

3-жадвал

**ЯКУНИЙ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ<sup>2</sup>**  
«Шарқ» МЧЖ 20 январ 2022 й. (минг сўм)

<i><b>А К Т И В</b></i>	<b>минг сўм</b>	<i><b>П А С С И В</b></i>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
Асосий воситалар	223 000	Устав капитали	180 000
	-	Қўшилган капитал	2 000
	-	Резерв капитали	8 000
	-	Тақсимланмаган фойда	71 000
<b>1 Бўлим жами</b>	<b>223 000</b>	<b>1 Бўлим жами</b>	<b>261 000</b>
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	50 000	<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар</b>	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	3 000		-
Дебиторлик қарзлар	21 000		-
Молиявий қўйилмалар	51 000	<b>Қисқа муддатли мажбуриятлар</b>	122 000
Пул маблағлари	35 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	122 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>160 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>122 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>383 000</b>	<b>Баланс</b>	<b>383 000</b>

«Шарқ» МЧЖнинг қолдиқ қиймати 230 000,0 минг сўмлик ишлаб чиқариш қурилмалари қайта баҳоланиб, қиймати 230 000 сўмга етказилган ва топшириш далолатномасига асосан «Равшан» МЧЖ га ўтказилган. Ишлаб чиқариш қурилмаларининг қолдиқ

қиймати ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ суммага резерв капитали кўпайтирилган.

«Шарқ» МЧЖнинг топшириш далолатномаси 20 январ 2022 йилда тасдиқланган. Ушбу хужжат маълумотларига мувофиқ «Равшан» МЧЖ га қуйидаги активлар ва мажбуриятлар

2 Ҳисоб-китоблар ва жадваллар сонини қисқартириш мақсадида «Шарқ» МЧЖ ва «Турон» МЧЖларнинг сўнгги ҳисобот даври (1.01.2022 й.) учун баланслари келтирилмаган.

топширилади (4-жадвал).

«Турон» МЧЖнинг топшириш бухгалтерия балансига берилган тушунтириш хатида якуний бухгалтерия баланси ва топшириш баланси ўртасидаги куйидаги фарқлар очиб берилган:

«2022 йилнинг 1-20 январи оралигида «Турон» МЧЖ ўзининг молия-хўжалик фаолиятини давом эттириб,

куйидагилар содир бўлган: ишлаб чиқариш захиралари 3000,0 минг сўмга кўпайган; тугалланмаган ишлаб чиқариш 2000,0 минг сўмга камайган; дебиторлик қарзлари 38 000,0 минг сўмга қисқарган; пул маблағлари 27 000,0 минг сўмга камайган; тақсимланмаган фойдаси 5 000,0 минг сўмга кўпайган; кредиторлик қарзлари 69 000,0 минг сўмга қисқарган».

4-жадвал

**ТОПШИРИШ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ<sup>3</sup>**  
«Шарқ» МЧЖ 20 январ 2022 й. (минг сўм)

<i><b>А К Т И В</b></i>	<b>минг сўм</b>	<i><b>П А С С И В</b></i>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
Асосий воситалар	230 000	Устав капитали	180 000
	-	Қўшилган капитал	2 000
	-	Резерв капитали	15 000
	-	Тақсимланмаган фойда	71 000
<b>1 Бўлим жами</b>	<b>230 000</b>	<b>1 Бўлим жами</b>	<b>268 000</b>
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	50 000	<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар</b>	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	3 000		-
Дебиторлик қарзлар	21 000		-
Молиявий қўйилмалар	51 000	<b>Қисқа муддатли мажбуриятлар</b>	122 000
Пул маблағлари	35 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	122 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>160 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>122 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>390 000</b>	<b>Баланс</b>	<b>390 000</b>

Ушбу барча хўжалик операциялари акс эттирилганидан сўнг «Турон» МЧЖнинг якуний 20 январ 2022 й.

санасига якуний бухгалтерия баланси тузилади (5-жадвал).

5-жадвал

**ЯКУНИЙ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ\*\***  
«Турон» МЧЖ 20 январ 2022 й. (минг сўм)

<i><b>А К Т И В</b></i>	<b>минг сўм</b>	<i><b>П А С С И В</b></i>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
1. Асосий воситалар	83 000	Устав капитали	120 000
	-	Қўшилган капитал	12 000
	-	Резерв капитали	6 000
	-	Тақсимланмаган фойда	13 000
<b>1 Бўлим жами</b>	<b>83 000</b>	<b>1 Бўлим жами</b>	<b>151 000</b>

<sup>3</sup> Топшириш баланси топшириш далолатномасининг таркибий қисми (иловаси) сифатида келтирилган.

<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	41 000	<i>Узоқ муддатли мажбуриятлар</i>	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	5 000		-
Дебиторлик қарзлар	31 000		-
Молиявий қўйилмалар	50 000	<i>Қисқа муддатли мажбуриятлар</i>	73 000
Пул маблағлари	14 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	73 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>141 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>73 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>224 000</b>	<b>Баланс</b>	<b>224 000</b>

«Турон» МЧЖнинг топшириш далолатномаси 20 январ 2022 йилда тасдиқланиб, унинг маълумотларига мувофиқ «Равшан» МЧЖ га қуйидаги активлар ва мажбуриятлар топширилади (6-жадвал).

«Турон» МЧЖнинг топшириш балансига асосан «Равшан» АЖга қолдиқ қиймати 83 000,0 минг сўмлик савдо қурилмалари ўтказилган. Лекин,

таъсисчиларнинг қарорига асосан топшириш балансида савдо қурилмаларининг қайта баҳоланган бозор қиймати акс эттирилиб, 95 000,0 минг сўмни ташкил этган. Савдо қурилмаларининг қолдиқ қиймати ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ сумма(12 000,0 минг сўм)га қўшилган капитал кўпайтирилган.

6-жадвал

**ТОПШИРИШ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ**  
«Турон» МЧЖ 20 январ 2022 й. (минг сўм)

<b>А К Т И В</b>	<b>минг сўм</b>	<b>П А С С И В</b>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
1. Асосий воситалар	95 000	Устав капитали	120 000
	-	Қўшилган капитал	24 000
	-	Резерв капитали	6 000
	-	Тақсимланмаган фойда	13 000
<b>1 Бўлим жами</b>	<b>95 000</b>	<b>1 Бўлим жами</b>	<b>151 000</b>
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	41 000	<i>Узоқ муддатли мажбуриятлар</i>	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	5 000		-
Дебиторлик қарзлар	31 000		-
Молиявий қўйилмалар	50 000	<i>Қисқа муддатли мажбуриятлар</i>	73 000
Пул маблағлари	14 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	73 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>141 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>73 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>236 000</b>	<b>Баланс</b>	<b>236 000</b>

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш натижасида янги - «Равшан» МЧЖ вужудга келиб, таъсисчилар

қарорига мувофиқ унинг устав капитали 400 000,0 минг сўмни ташкил этган. Ушбу устав капиталини шакллантиришга



қуйидагилар йўналтирилган:

- «Шарқ» МЧЖнинг устав капитали — 180 000,0 минг сўм; тақсимланмаган фойдасидан — 70 000,0 минг сўм;

- «Турон» МЧЖнинг устав капитали — 120 000,0 минг сўм; қўшилган капитал — 24 000,0 минг сўм; резерв капитали — 6 000,0 минг сўм.

«Равшан» МЧЖнинг давлат рўйхатидан ўтказилиш санасига дастлабки(кириш) баланси тузилади. Дастлабки бирлаштири балансини тузиш чоғида у «Турон» МЧЖнинг топшириш бухгалтерия баланси ва «Шарқ» МЧЖнинг топшириш бухгалтерия балансининг (*пассив I бўлимидан ташқари!*) кўрсаткичлари сатрма-сатр қўшилади. Корхоналарни қўшиб юбориш натижасида олинган асосий воситалар, улар «Турон» МЧЖ ва «Шарқ» МЧЖнинг топшириш далолатномаларида кўрсатилган баҳоларда акс этирилади:

$$230\ 000,0 + 95\ 000,0 = 325\ 000,0 \text{ (минг сўм).}$$

Айни чоғда дастлабки бирлаштириш баланси тузилгунига қадар корхоналар ўртасида амалга оширилган ўзаро ҳисоб-китобларни ҳам яқунлаш

зарур. Бизнинг мисолимизда, янгидан ташкил этилган «Равшан» МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар, «Шарқ» МЧЖнинг «Турон» МЧЖ олдидаги кредиторлик қарзи 24 000,0 минг сўмни ташкил этган. Шунинг учун, бирлаштирувчи бухгалтерия балансида бир вақтнинг ўзида 24 000,0 минг сўмлик: «Шарқ» МЧЖнинг **кредиторлик қарзини** ( 122 000,0 минг сўм - 24 000,0 минг сўм = 98 000,0 минг сўм); «Турон» МЧЖнинг **дебиторлик қарзини** (31 000,0 минг сўм - 24 000,0 минг сўм = 7 000,0 минг сўм) камайтиради.

Бундан ташқари, «Шарқ» МЧЖнинг «Турон» АЖ устав капиталига 61 000,0 минг сўмлик молиявий қўйилмаси «Равшан» МЧЖнинг дастлабки бирлаштириш бухгалтерия балансига киритмайди.

«Равшан» МЧЖнинг бухгалтерия балансида, қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган 400 000,0 минг сўмлик устав капитали ҳам кўрсатилади. Натижада, «Равшан» МЧЖнинг 21 январ 2022 й. санасига дастлабки бирлаштириш баланси қуйидагича шакллантирилади (7-жадвал).

7-жадвал

**ДАСТЛАБКИ БИРЛАШТИРИШ БАЛАНСИ  
«Равшан» МЧЖ 21 январ 2022 й. (минг сўм)**

<i><b>А К Т И В</b></i>	<b>минг сўм</b>	<i><b>П А С С И В</b></i>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
1. Асосий воситалар	325 000	Устав капитали	400 000
	-	Қўшилган капитал	-
	-	Резерв капитали	-
	-	Тақсимланмаган фойда	-
<b>I Бўлим жами</b>	<b>325 000</b>	<b>I Бўлим жами</b>	<b>400 000</b>
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	91 000	<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар</b>	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	8 000		-

Дебиторлик қарзлар	28 000		-
Молиявий қўйилмалар	40 000	<b>Қисқа муддатли мажбуриятлар</b>	171 000
Пул маблағлари	49 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	171 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>216 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>171 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>541 000</b>	<b>Баланс</b>	<b>571 000</b>

Шундан сўнг, «Равшан» МЧЖнинг соф активлари қийматини ҳисоблаб чиқарамиз. Баланснинг классик формуласи  $A=K+M$ , демак соф активлар  $K=A-M$ . Шундай экан, ҳисоб-китобда иштирок этадиган жами активлар 541 000,0 минг сўмлик, мажбуриятлар эса 171 000,0 минг сўмлик. Демак, «Равшан» МЧЖнинг соф активлари 400 000,0 минг сўмни ташкил этиши лозим (541 000,0 - 171 000,0). Кўриниб турибдики, корхона соф активлари (370 000,0 минг сўм) унинг устав капиталидан 30 000,0 минг сўмга кам (370 000,0 - 400 000,0). Ушбу сумма (-30 000,0 минг сўм) 23-БХМСнинг 34-банди 4-хатбошисига мувофиқ «Равшан» МЧЖнинг 21 январ 2022 йил ҳолатига қайта кўриб чиқилган бирлаштирувчи бухгалтерия балансида 022-сатр

«Номоддий активлар-қолдиқ қиймати» (гудвилл) (0400 счет) бўйича акс этирилиши лозим. Агар соф активлар қиймати устав капиталидан катта бўлса, мазкур БХМС 34-бандининг 3-хатбошисига мувофиқ фарқ сумма салбий гудвилл сифатида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» (530 сатр) бўйича акс этирилиши белгиланган.

Ва ниҳоят, «Равшан» МЧЖнинг қайта кўриб чиқилган бирлаштирувчи бухгалтерия балансининг якуний варианты қуйидагича бўлади (8-жадвал).

8-жадвал

**ЯКУНИЙ БИРЛАШТИРИШ БАЛАНСИ**  
«Равшан» МЧЖ 21 январ 2022 й. (минг сўм)

<b>А К Т И В</b>	<b>минг сўм</b>	<b>П А С С И В</b>	<b>минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	325 000	Устав капитали	400 000
Номоддий активлар-қолдиқ қиймати (гудвилл)	30 000	Қўшилган капитал	-
	-	Резерв капитали	-
	-	Тақсимланмаган фойда	-
<b>1 Бўлим жами</b>	<b>355 000</b>	<b>1 Бўлим жами</b>	<b>400 000</b>
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Ишлаб чиқариш захиралари	91 000	Узоқ муддатли мажбуриятлар	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	8 000		-
Дебиторлик қарзлар	28 000		-

Молиявий қўйилмалар	40 000	Қисқа муддатли мажбуриятлар	171 000
Пул маблағлари	49 000	ш.ж: Кредиторлик қарзлар	171 000
<b>2 Бўлим жами</b>	<b>216 000</b>	<b>2 Бўлим жами</b>	<b>171 000</b>
<b>Баланс</b>	<b>571000</b>	<b>Баланс</b>	<b>571 000</b>

**Хулоса.** Бизнесни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш шаклида бирлаштиришнинг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ҳамда тавсиялар шакллантирилди:

1. Фикримизча, топшириш далолатномаси қуйидаги таркибий қисмлар(ахборот блоклари)дан иборат бўлиши зарур:

а) қайта ташкил этилаётган юридик шахслар тўғрисидаги умумий ахборотлар (тўлик номлари, ташкилий-ҳуқуқий шакллари, қайта ташкил этиш тури – қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш, қайта ташкил этиш учун асос – таъсисчилар қарори, юқори ташкилот қарори ва б., ворислик ҳуқуқи);

б) топшириш баланс(лар)и (қайта ташкил этишда иштирок этаётган юридик шахс(лар)нинг мол-мулки, хусусий капитали ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотлар);

в) топшириш балансига тушунтириш хати (топширилаётган мол-мулклар, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг ўзгариш содир бўлган моддаларига тушунтиришлар берилади).

Демак, топшириш далолатномаси ва топшириш баланси умумийлик билан хусусийлик нисбатида, яъни сўнгиси биринчисининг таркибий қисми (аниқроғи, ахборот таъминоти) бўлиб хизмат қилади.

2. Топшириш балансида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг сўнгги ҳисобот даври учун тузилган баланси санасидан якуний баланс тузилгунга қадар содир бўлган хўжалик операциялари тўлиқ акс эттирилиши ҳамда унга тушунтириш хатида изоҳлар берилиши тавсия қилинади.

3. Юридик шахслар қўшиб юбориш ва қўшиб олиш шаклларида қайта ташкил этилишида дастлабки бирлаштириш баланси тузилиб, соф активлар қиймати аниқланганидан сўнг, агар у устав капиталидан:

а) кичик бўлса, фарқ сумма қайта кўриб чиқилаётган бирлаштирувчи бухгалтерия балансида 022-сатр «Номоддий активлар-қолдиқ қиймати» (гудвилл) (0400 сатр) бўйича акс эттирилиши лозим.;

б) катта бўлса, фарқ сумма салбий гудвилл сифатида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» (530 сатр) бўйича акс эттирилиши тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2013 йил 1.11 гача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: «Адолат», 2013 й. -560 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йил ЎРҚ-370-сон «Акциядорлик жамиятлари

- ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, <https://lex.uz/docs/2382409>
3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш», <https://lex.uz/docs/627304>.
  4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Қарори. <https://lex.uz/docs/5348948>
  5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1-Боб. Фуқаролик қонунчилиги. <https://lex.uz/docs/111189>
  6. Сигидов Ю.И., Рыбьянцеа М.С., Ясменко Г.Н. и др. Балансоведение. Учебное пособие. – М.: Рид.Групп, 2011, -352 с.
  7. Уразов К.Б. Абдурасулов Ж.А. Корхоналарни қайта ташкил этиш: моҳияти, шакллари, амалга ошириш тартиблари ва ушбу шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар. <https://cyberleninka.ru/article/n/korhonalarni-ayta-tashkil-etish-mo-iyati-shakllari-amalga-oshirish-tartiblari-va-ushbu-sharoitda-buhgalteriya-isobini-yuritish-va/viewer>.
  8. Эшонов С. Юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш ўртасидаги ўзаро фарқ нималардан иборат? <https://fargona.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=38776>.
  9. <https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriyatiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu-18977013.html>
  10. Забарова О.А. Балансоведение: Учебное пособие. – М.:Изд-во КНОРУС, 2007, - 256 с.